

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил сентябрь ойининг 8 куни Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: А.Исаков,

ҳайъат судьялари: Ф.Собиров ва Ш.Назировдан иборат таркибда, С.Қобуловнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Нурова, химоячи Д.Қорабоеваларнинг иштирокида, судланган С.Қосимовга оид жиноят ишини унинг кассация шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2025 йил 22 апрелдаги ҳукмига асосан:

1990 йил 10 апрель куни Шаҳрихон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, Андижон шаҳри “XXI Asr Bunyodkori” МЧЖ тасисчиси, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2023 йил 10 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 120 баравари миқдорида 29.400.000 сўм жарима жазоси тайинланган;

2. Жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2023 йил 17 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-модда 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми, 185²-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида ҳисоблаш миқдорининг 101 баравари миқдорида 33.330.000 сўм жарима жазоси тайинланган;



3. Жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2024 йил 10 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-модда 2-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 59-моддасига асосан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4. Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2024 йил 24 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 184-моддаси 3-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси, 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

5. Жиноят ишлари бўйича Кўрғонтепа туман судининг 2024 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида 6 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони ўтамоқда, Шаҳрихон тумани, “Беквачча” МФЙ, Чўнтак кўчаси, 18-уйда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2024 йил 6 сентябрдан қамоқда сақланган Қосимов Сардорбек Комиловичга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 28,209-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59-моддаси тартибида иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 6 йил 10 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.Қосимов Андижон шаҳрида рўйхатдан ўтган “XXI ASR BUNYODKORI” МЧЖда иш юритувчи лавозимида ишлаб, жамият



фаолиятини норасмий равишда бошқариб келиб, “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси худудий техник назоратчиси А.Абдулазизов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, жамият ва буюртмачи ўртасида Булоқбоши тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 15-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини реконструкция қилиш ишлари бажариш юзасидан 2022 йил 18 июлда тузилган пудрат шартномасига асосан 3.928.771.839 сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланганидан фойдаланиб, объектда белгиланган таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилмагани ҳолда, 2023 йил 8 августда тузилган тўлов ҳужжатларига амалда бажарилмаган 728.570.396 сўмлик ишларни бажарилгани ҳақида сохта маълумотлар тузишиб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб, ушбу ҳужжатларни қалбаки эканини билгани ҳолда, тақдим этиб, пул маблағлари ўтказиб берилишига эришиб, ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишганликда;

бундан ташқари, судланувчи С.Қосимов Андижон шаҳрида рўйхатдан ўтган “XXI ASR BUNYODKORI” МЧЖда раҳбари лавозимида ишлаб келиб, тақдоран “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Андижон вилояти худудий бошқармаси лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими мутахассиси Х.Мирзаев билан жиноий тил бириктириб, “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Андижон вилояти худудий бошқармаси билан 2022 йил 3 июнда тузилган 29-2022-сонли пудрат шартномасига асосан Пахтаобод тумани, Бодроғобод МФЙ худудига сув тармоғи тортиш бўйича амалга оширилган умумий қиймати 784.602.377 сўмлик ишларни 745.819.551 сўмга ёки 95,1 фоизга яқунлангани юзасидан 2023 йил 10 октябрда тузилган “Шакл-2” ва “Шакл-3” ҳисоботларида 102.927.060 сўмлик иш ҳажмларини кўшиб ёзиб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб, ушбу ҳужжатларни қалбаки эканини билгани ҳолда, тақдим этиб, пул маблағлари ўтказиб берилишига эришиб, 48.133.968 сўм бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилишганликда айбли деб топилган.

Мазкур жиноят иши бўйича А.Абдулазизов ва Х.Мирзаев ҳам судланган бўлиб, улар томонидан кассация шикоятни келтирилмагани ёки протест билдирилмагани сабабли ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмади.

Судланган С.Қосимов кассация шикоятида, жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2024 йил 24 сентябрдаги ҳукмига кўра тайинланган 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2025 йил 9 июндаги ажримга асосан ўзгартирилгани сабабли мазкур суд ҳукмини ўзгартиришни сўраган.

Фуқаровий даъвогар Ф.Каримов ўз эътирозномасида, кассация шикоятига нисбатан эътирози йўқлигини билдирган.

Судланган А.Абдулазизов ўз эътирозномасида кассация шикоятига нисбатан эътирози йўқлигини билдирган.



Кассация инстанцияси иш бўйича вилоят судининг судьяси Ш.Назировнинг маърузасини, прокурор Ш.Нурова ҳамда химоячи Д.Қорабоевнинг кассация шикоятини қаноатлантириб, суд ҳукмини қонунга мувофиқлаштириб ўзгартириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, кассация шикоятидаги важларни иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Судланган С.Қосимовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқроорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, шу иш бўйича судланган Б.Лутфуллаев, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят иши бўйича йиғилган ва судда қайта текширилган ёзма далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Биринчи инстанция суди, судланган С.Қосимовнинг жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 28,209-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, қонун санкциялари доирасида ахлоқ тузатиш ишлари, ЖК 59-моддасининг 2 ва 8-қисмлари ҳамда 61-моддаси тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида тўғри тўхтамга келган.

Кассация инстанцияси судида Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2025 йил 9 июндаги ажримга асосан С.Қосимовга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2024 йил 24 сентябрдаги ҳукми ўзгартирилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 184-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59-моддаси, 59-моддасининг 8-қисми тартибида иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлангани;

шунингдек, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2025 йил 2 сентябрдаги ажримга асосан С.Қосимовга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2024 йил 18 декабрдаги ҳукми ўзгартирилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддаси тартибида иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлангани аниқланган.



Кассация инстанцияси, юқоридагиларга асосан судланган С.Қосимовга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгартиришни, судланган С.Қосимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 228-моддаси 3-қисми ҳамда ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни ўзгаришсиз қолдириб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, унинг бошқа жиноят иши бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганини инобатга олишни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, кассация шикоятини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 509⁷, 509⁹, 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Қосимов Сардорбек Комиловичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2025 йил 22 апрелдаги ҳукми ўзгартирилсин.

С.Қосимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 228-моддаси 3-қисми ҳамда ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисмига асосан узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

С.Қосимовга бошқа жиноят иши бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани инобатга олинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, кассация шикояти қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

А.Исаков

Ҳайъат судьялари

Ф.Собиров

Ш.Назиров

